

“КЕЛИШИЛДИ”

Жиззах давлат педагогика
Институтини касба уюшмаси
райси



2021й

Д.Очилов



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Жиззах давлат педагогика институти
ректори

Ш.Шарипов

2021й

Компьютер ва оргтехникаларда ишловчилар учун
меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича
йўриқнома



Жиззах 2021йил

**Компьютер ва оргтехникаларда ишловчилар учун
мехнатни муҳофаза қилиш бўйича
йўриқнома**

1. Ушбу йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан тасдиқланган ва 2000 йил 7 январда Адлия вазирлигида 870-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган "Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномалар ишлаб чиқиш тўғрисида"ги Низомга мувофиқ ишлаб чиқилган.

Йўриқнома 10-умумтаълим мактаби ходимларининг соғлиғи ва меҳнати муҳофаза қилинишини таъминлашга қаратилган.

Меҳнатни муҳофаза қилиш - бу тегишли қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида амал қилувчи, инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сихат-саломатлиги ва иш қобилияти сақланишини таъминлашга қаратилган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена ва даволаш-профилактика тадбирлари ҳамда воситалари тизимидан иборат.

1.1. Ҳар бир ходим, шу жумладан раҳбарлар ишга қўйилишидан олдин меҳнатни муҳофаза қилиш ва ишни бехатар олиб бориш бўйича йўриқлардан ўтказилиши ва ушбу ҳақида махсус журналга қайд этилиши лозим.

1.2. Ходимлар ўзларининг малакаси ва иш стажидан катъий назар, меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси бўйича иш жойида "Дастлабки" ва ҳар чоракда "Даврий" йўл-йўриқ оладилар.

2. Хавфсизликнинг умумий талаблари:

2.1. Компьютер ва оргтехникаларда доимий иш олиб бориш учун 18 ёшдан кичик бўлмаган, ишга қабул қилинганда "Кириш" ҳамда ишни бошлашдан олдин "Иш жойида"ги меҳнат муҳофазаси бўйича йўриқнома олган шахслар жалб этилади.

2.2. Компьютер ва оргтехникаларда вақтинча иш олиб борадиган шахслар ҳам меҳнат муҳофазаси бўйича йўриқнома оладилар.

2.3. Компьютер ва оргтехникалар билан иш олиб боришда ҳар бир кишига талаб қилинадиган хона майдони 6.0 метр квадратдан, куб ҳисобидан эса 20 метр кубдан кам бўлмаслиги талаб этилади.

2.4. Компьютер ва оргтехникаларда ишлаш учун рухсат этилган шахсларга иш жойларида чекишлари, шунингдек, иш бошлаш олдидан ва иш вақти давомида спиртли ичимликлар истеъмол қилиш маън этилади.

2.5. Компьютер ва оргтехникаларда ишлашга бегона шахсларга рухсат этилмайди.

2.6. Ускуна ишлашида сезилган барча носозликлар ҳақида дарҳол унинг хавфсиз ишлатилиши учун жавобгар бўлган шахсларга хабар берилади.

2.7. Ўзини ёмон ҳис қилган шахсларга ускуна билан ишлаши учун рухсат этилмайди.

2.8. Ёруғлик манбаи етарсиз бўлмаганда ишлашга рухсат этилмайди.

2.9. Компьютер ва оргтехникалари "Ерга қиска туташуви" ишончли яъни "Ер қиска туташув" воситасининг энг узок нуктасидаги қаршилиги 2 Ом дан кўп бўлмаслиги керак.

2.10. Монитор, процессор ва принтерларнинг орқа деворларига ва кабеллар уланиш жойларига қўл билан тегиш ман этилади.

2.11. Компьютер ва оргтехникаларда ишловчи шахсларга сунъий бўлмаган матолардан тикилган кийимларда ишлашлари талаб этилади.

2.12. Ёнғин содир бўлганда компьютер ва оргтехникаларни ўт ўчирувчи суюқлик билан ўчириш ман этилади.

2.13. Компьютер ва оргтехникаларни тоққа қўшилган вақтида назоратсиз қолдирмаслик керак.

2.14. Принтерлардан фойдаланишда тоқдан ажратилган ҳолда принтерни компьютер ва процессорга тўғри улангандан кейин электр тоқига улаш керак.

3. Иш бошлаш олдидан хавфсизлик талаблари:

3.1. Иш бошлашдан олдин, юмшоқ қуруқ латта билан компьютер ва оргтехникаларни тозалаш керак.

3.2. Иш жойини йиғиштириш, ҳалакит бермайдиган буюмларни олиб ташлаш керак.

3.3. Электр ускуналарининг "Ер қиска туташуви"ни ишончилигини текшириб кўриш керак.

3.4. Электр ускунаси (компьютер ва оргтехника)ни электр манбаига улашни қуйидаги тартиб асосида амалга ошириш керак: процессор, монитор, принтер.

4. Иш вақтида хавфсизлик талаблари:

4.1. Компьютерда ишлаганда кўзнинг кўрувчи анализаторни толиқмаслиги учун кўздан компьютергача бўлган масофа 60-70 см ни ташкил қилиши лозим.

4.2. Нам қўллар билан компьютер ва оргтехникаларда ишлаш ман этилади.

4.3. Иш жараёнида диққатни бир жойга жамлаш ва бошқаларни ҳам чалғитмаслик лозим.

4.4. 8 соат иш кунида операторнинг узлуксиз иш вақти ҳар 45-50 дақиқадан сўнг 10-15 дақиқалик танаффуслар билан давом этиши лозим.

4.5. Компьютер ва оргтехникалар билан ишлаганда иш ва дам олиш вақтлари давомийлиги бажарилаётган ишнинг узлуксизлиги ва характерига асосланади.

4.6. Узлуксиз равишда маълумотлар киритиш, программалар тузиш, экрандаги маълумотларни ўқиш, видеомонитор билан ишлаш жараёнида эса кунлик иш давомийлиги 4 соатдан ошмаслиги лозим. Иш кунининг қолган вақти бошқа ишлар билан шуғулланиш учун сарф этилиши лозим.

4.7. Операторлар ишини енгиллатиш мақсадида уларнинг иш ҳажмларини бир ҳилда тақсимлаш ва ҳар ҳил соҳалар билан иш олиб боровчи рационал тарзда давом эттириш талаб этилади.

4.8. Оператор ўзини ёмон ҳис қилганда дарҳол, ишни тўхтатиши, иш жойини хавфсиз ҳолатга келтириши, иш бошқарувчини бу ҳақда огоҳлантириши ва лозим бўлган тиббиёт ходимига мурожаат қилиши лозим.

5. Авария ҳолатида хавфсизлик талаблари

5.1. Компьютер ва оргтехникаларда ишлаётганда бегона товуш чикканда, бузилиш ёки авария ҳолатлари юзага келганда куйидаги ишларни амалга ошириш талаб этилади:

-ишни дарҳол тўхтатиш;

-ишловчиларни хавф ҳақида огоҳдантириш;

-иш берувчига хабар бериш ва авариянинг талаб этиладиган носозликларини бартараф этиш;

5.2. Инсонлар билан бахтсиз ходиса содир бўлганда, уларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, иш берувчига хабар бериш, бахтсиз ходиса содир бўлган ҳолатни қандай бўлса шу ҳолда сақлаб туриш лозим.

6. Ишни тугатишда хавфсизлик талаблар

6.1. Компьютер ва оргтехникаларни электр манбаидан ажратилади (принтер, процессор, монитор).

6.2. Иш жойи тартибга келтирилади (чангдан тозаланади).


6.3. Иш қуни давомида аниқланган барча носозликлар ҳақида иш берувчига хабар қилиш керак.

7. Йўриқномани бажармаганлик учун жавобгарлик

7.1. Ходимлар хавфсиз меҳнатни ташкил қилиш учун ушбу йўриқномада кўрсатилган талаблар ва техника хавфсизлиги қоидаларни бажаришлари шарт.

7.2. Ушбу йўриқномани бажармаган айбдор шахслар ички меҳнат тартиби қоидаларига мувофиқ интизомий жавобгарликка тортиладилар.

Меҳнат муҳофазаси муҳандиси



М.Ибрагимов